



СОБИР ЎНАР ИЖОДИДА ҚИШЛОҚ ТАСВИРИ

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,

Шароф Рашидов номидаги , Самарқанд Давлат
Университети мустақил изланувчиси.<https://doi.org/10.5281/zenodo.15131198>

ARTICLE INFO

Received: 11th March 2025

Accepted: 18th March 2025

Published: 30th March 2025

KEYWORDS

ABSTRACT

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Дўстлик” ордени соҳиби, таниқли ёзувчи Собир Ўнарнинг қишлоқ ҳаёти, тоғ одамлари, шаҳардан туриб қараганда одмироқ бўлиб кўринадиган қадимий урф-одатлар, жайдари маросимлар, ўзаро меҳр-мурувват, оқибат, яхши қўшничилик ҳақидаги ҳикояларини, китобхонни фикр оламига бошловчи эсселарини ўқиган ўқирман беихтиёр олис ва сирли қишлоқ сари сайёҳат қилгандек бўлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Дўстлик” ордени соҳиби, таниқли ёзувчи Собир Ўнарнинг қишлоқ ҳаёти, тоғ одамлари, шаҳардан туриб қараганда одмироқ бўлиб кўринадиган қадимий урф-одатлар, жайдари маросимлар, ўзаро меҳр-мурувват, оқибат, яхши қўшничилик ҳақидаги ҳикояларини, китобхонни фикр оламига бошловчи эсселарини ўқиган ўқирман беихтиёр олис ва сирли қишлоқ сари сайёҳат қилгандек бўлади.

Унинг “Кунсулунинг сирли хатлари”, “Олдинда ёнган маёқ” тўпламларини ўқиган кишида шундай таассурот қолади. Қишлоқ кўчалари, баҳорда томи лолақизғалдоққа бурканадиган пастқам уйлар, сурувга тўла қирликлар, сирли сўқмоқлар, чўпон-чўликларнинг чўпонча таомлари, минг парда ичидаги, ташқарига чиқса шамоллаб қоладиган илк муҳаббат, тўй-ҳашам, кўпқари, кураш, бошқа ҳеч жойда учрамайдиган гурунлар, боболарнинг дуолари, момоларнинг айтимлари, қиз-келинларнинг чистонлари – яна қанчадан қанча ҳолатларни ўқувчи кўз ўнгида гавдалантириш учун қишлоқда туғилиш керак. Болалиги, ўсмирлиги шундай ҳаёт ичида ўтиши, қўшни қизга ишқ изҳор қилиб ёзган хати ошкор бўлиб, акасидан озроқ таёқ ҳам ейиши керак.

Эътибор беринг, бу парчада деярли шаҳарлик бўлиб кетган ёзувчининг соғинч туйғулари бор: “Болалигимдан жуда олислаб кетгандайман. Вақт ўтгани сайин ичингда армон деган бир туйғу кучайиб борар экан. Ҳозир ўғил-қизларимга болалигимда бўлган воқеаларни сўзлаб берсам, ишонишмайди. Чунки менинг болалиқда яшаган шароитим уларга ибтидоий жамоа тузумини эслатса керак. Уч-тўрт ёшимда бобомни ҳўкиз судраб кетиб, фалаж бўлиб қолганларини эслайман. Унгача полвон эди. Бир эшак аранг кўтарадиган емишни ўзи даст елкасига олиб, сомонхонанинг устига ташларди. Ўн тўртинчи калишини яқин-яқингача сақлаб туришган. Амаким Исмаилов чавандозга махсисини кўпқари этик қилиб қайта тикиб берганини биламан...”

Шаҳар ҳаёти қишлоқда ўтган йиллар хотирасини сусайтиради. Аммо ҳаммасини эмас. Буни Собир Ўнар ижодида яққол кўриш мумкин:

“Отам қирқ йилча давлатнинг молини боқди. Тоғ-тошда мол кетидан тинимсиз юриш, даштда кечаларни уйқусиз ўтказиш, қишнинг қора совуғида ҳам тиним билмаслик, ўлган кўй ёки кам тукқан совлиқ учун раҳбарлар олдида ғарибларча, гуноҳкорларча жавоб бериш... Бу азобларни унутиб бўлмайди...”

Албатта, қишлоқда туғилган болаларининг ҳаммасидан ҳам ёзувчи чиқмайди. Бунинг сабаби – кўрган-эшитганларини хотирада сақлаб қолиш учун жиддий истеъдод, кўрадиган кўз, ҳис этадиган кўнгил, маъносини англайдиган фаҳм керак бўлади. Шукур Холмирзаев ҳикояларини ўқиган киши ҳали йўли тушмаган бўлса ҳам, Бойсунни, шу ғаройиб замин одамларини, уларнинг феъл-атвори, гоҳ босиқ, гоҳ ўт-оловлиги, орият учун тенгсиз “жанг” қилишга тайёрликларини тасаввур қилади, айрим қаҳрамонлар унга ҳатто танишдай туюлиб кетади ҳам. Қаердадир кўрган, суҳбатлашган ҳам. Буни Эркин Аъзам, Усмон Азим, Қўчқор Норқобил ижодида кўрса бўлади. Собир Ўнар шу йўсиндаги ёзувчиларимиздан эди. Унинг қаҳрамонлари камсуқум, шукурли, ортиқча нарса талаб қилмайдиган, таъмадан узоқ, орзу-хаёллари ҳам шунга яраша одамлар. Ўқувчи уларни шу жиҳатлари учун ҳам севиб қолади. Адабиётшунослар унинг ижодини турли йўналишда талқин қилишлари мумкин. Тадқиқотларда Собир Ўнарнинг ижодкор кўзи ўта тийрак, ижодкорлик сезими ўта кучлилигига эътибор бериш керак.

Собир Ўнар дунёсини билмоқчи бўлган ўқувчи унинг ижодига шўнғиса, ҳаммаси ҳикоя ва қиссалари қаҳрамонлари тилидан айтиб кўйилганлигига гувоҳ бўлади. Ўзи ҳам кўп нарса айтиб кетди.

“Қишлоқ прозаси” Собир Ўнар ижодида ҳам муҳим ўрин тутди. Адибнинг дастлабки ҳикояларидаёқ шукшинона руҳ кузатилади. Бу, айниқса, ижодкорнинг “Кунсулунинг сирли хатлари” тўпламига киритилган ҳикояларда яққол намоён бўлади. Бу тўпламга киритилган ҳикояларнинг асосий мавзусини қишлоқ ҳаёти, бу ер одамларининг дарду қувончи, орзу ва армонлари ташкил этади. Собир Ўнар Кўшраббатнинг тоғолди қишлоқлари одамлари ҳаётини тасвирлайди, чунки адиб бу ерларни жуда яхши билади, болалиги шу жойларда кечган.

Биламизки, қишлоқ одамлари табиатан бироз содда, тўпори, дангалчи, аммо самимий бўлади. Қишлоқда деярли ҳамма бир-бирини танийди, одамлар ўртасида меҳр-мурувват, андиша, ор-номус каби инсоний фазилатлар ҳам кучлироқ бўлади. Миллий хусусиятлар, урф-одат ва анъаналар, маҳаллий муҳит ҳам қишлоқда яққолроқ кўзга ташланади.

Собир Ўнар табиатни нозик ҳис қилади. Унинг яқинларининг эътирофича, мусиқага, кўшиқ айтишга ҳавасманд бўлган. Адиб оддий инсон кўзи илғай олмаган вазиятларни, ҳолатларни хотирасига муҳрлайди. Адиб яратган образларда ҳам инсон табиатининг турфа характери намоён бўлади, у худди мусаввир сингари қаҳрамонининг кечинмаларини чизади.

Агар адабиётимизга Шукур Холмирзаев ва Эркин Аъзам Бойсун, Тоғай Мурод Хўжасоат, Назар Эшонкул Терсота, Абдуқаям Йўлдош Ўзбековулни адабий макон сифатида олиб кирган бўлса, Собир Ўнар ўзи туғилиб ўсган Қувкалла қишлоғини ўз асарларида тасвир этди. Унинг деярли барча асарларида қувкалликлар образи, уларнинг турмуши, ўй-кечинмалари, орзу-армонлари тасвирига дуч келамиз.

Собир Ўнар ўзи туғилиб ўсган Кўшраббатни, унинг кенг далаларини, қирлари-ю, даштларини ватани одамларини жуда севарди. Унинг асарларида Кўшраббат

кенгликлари, одамларининг бахту қувончлари, дарду изтироблари ўзининг ёрқин ифодасини топган эди. Ёзувчининг қаҳрамонлари ўзи билан яшаган, вояга етган, униб-ўсган қишлоқдошлари ва тарофидаги одамлар эди.

Машҳур рус ёзувчиси Виктор Астафьев бир суҳбатда “Ўз мавзуини топган ёзуви ҳамиша барҳаёт”, деган эди. У ўзининг Овсенк қишлоғини катта адабиётга олиб киргандек, Собир Ўнар ҳам Қўшработ табиати, одамларини дадиллик билан асарларига олиб кирган забардаст ёзувчи эди. Унинг ёзганларда ҳамиша Қўшработ нафаси уфуриб турарди.

Собир Ўнарнинг “Қиш кунларида бири” ҳикоясида қиш фаслида олис тоғ қишлоғи манзараси кўз олдимизда намоён бўлади: “Аввалига кун совиб, кейин яна илиқлашди. Қор ҳавоси уфурди. Ҳадемай биринчи қор ҳам тушди. Осмон кун бўйи элагини элаб, калиш кўмарлик қор ёғди. Ҳад-ҳисобсиз қоримиз Еримизнинг учсиз бурчакларигача кўмиб ташлади, шекилли.

Қорли кунларда овоз ҳам алланечук эшитилади. Мактабга бораётган болалар уйимизнинг пастидаги сой кўчадан ўтишаётиб, укамни чақирдилар. Болаларнинг овозлари худди кўрпа тагидан эшитилаётгандай бўлди. Унчалик қалин ёғмаган қор Ернинг акс-садоларини ҳам ютиб юборгандек... Болалар мактабга бормадилар. Бу ташаббус укамдан чиқди. “Борганимиз билан ўқитмайдилар барибир. Болта маллим “зулмоноталиклар кун совуқда келмаса ҳам майли деган”, деб уқтирди у”¹.

Адиб қишлоқ колоритини таъсирчан деталлар орқали тасвирлайди. Кўз олдимизда қишлоқ манзараси яққол намоён бўлади. Муаллиф манзарани тасвирлашда энг кичик жиҳатларга ҳам эътиборни қаратади. “Бир кунлик қорнинг аёзи кечаларигина ўз кучини кўрсатади. Чошгоҳга келиб қуёш тикка бўлавергач, сойдаги музлар эриб сувлар катта шовқин билан оқа бошлайди. Кечқурун у яна жимиб қолади. Гўё кун билан қўшиқ айтавериш чарчагандек. Қуёш иситаверса, қалин музлар нураб-нураб сувларга тушади. Шунда сой кўприклардан бўшаб қолади”². Ушбу парчага эътибор қаратсак, унда адибнинг қишлоқ ҳаёти, муҳитини ишонарли тасвирлаганига гувоҳ бўламиз.

“Кундузлари ҳаво илиқ бўлганидан кўп жойларнинг қори эриб, қирлари ола рангга кирди. Аввал кунбеткай томондан эриди. Қуёш қирлар елкасидаги қорларни сойгача “кураб” қўйди. Ер уни билан тин олиб, энди нафас чиқараётганга ўхшарди. Заминнинг намхуш буғидан тупроқнинг тўйимли ҳидини сезасан”³.

Воқеалик бола тилидан ҳикоя қилинади. Оддий қишлоқ оиласининг кундалик ташвишлари реал ҳолатда тасвирланади, ўқувчи кўз ўнгида аниқ қишлоқ манзаралари ҳосил бўлади. Қиш кунларида болалар учун мактабга бормаслик учун қор ёғиши бир баҳона бўлса, сирпанчиқда учиш уларнинг одатий эрмаги, онаизор уларни ёлғондан урушади, жазолаган бўлади, лекин болаларини беҳад яхши кўради. Кечга барча юмушлар тугаб, оила аъзолари уйга жамулжам бўлади. Она печдаги оловда таом тайёрлайди, бобо, буви, ота ва болалар иссиққина уйда қиш таоми – қуртоба ичиб ҳузурланади.

Ёзувчи қишлоқ одамларини шу қадар яқин тасвирлайдики, уларни беихтиёр яхши кўриб қоласан киши. Уларнинг ўзига хос характери миллий колоритни бор бўйи билан яққол намоён этаверади. “Ҳа, бу ердагилар, мана шу тоғлар орасидаги тинчгина қишлоқчада ҳам одамлар уруш тўғрисида хаёл суриб қоладилар. Бировлар эса ҳеч

¹ Собир Ўнар. Кунсулуннинг сирли хатлари: ҳикоялар.. – Т.: Ғафур Ғулом нашриёт матба ижодий уйи, 2021. – 17-бет.

² Собир Ўнар. Кунсулуннинг сирли хатлари: ҳикоялар.. – Т.: Ғафур Ғулом нашриёт матба ижодий уйи, 2021. – 19-бет.

³ Собир Ўнар. Кунсулуннинг сирли хатлари: ҳикоялар.. – Т.: Ғ.Ғулом НМИУ, 2021. – 21-бет.

қачон ҳеч қандай хавф-хатар бўлмайдигандек, ўз ишларидан ўзлари қаноатланиб юраверадилар. Бундайлар бизнинг қишлоқда жуда кўп. Ўзгалар билан тортишиб, ёқалашиб, хурсандчилик қилиб, яна бировнинг кўнглини олиб юраверадилар. Гўё шу кўҳна ва кенг дунёнинг, момо Ернинг нонхўр ва арзанда фарзандларидан юпаниб юраверадилар. Уларга ҳавасинг келади. “Рост, ҳамма шулардай бўлиши керак”, дейсан. Йўлинг доим ялангдай очиқ бўлса-ю, оёқ кериб юраверсам дейсан. Ҳамма ўзим баробари, ҳеч ким дунёнинг хўжайини эмас, катталар – қондошларим, тенгқур – жонажон дўстларим, кичикларнинг барчаси – укаларим дегинг келади”⁴.

Ҳикояда тоғ қишлоғи ва у ерда яшовчи меҳмондўст, ҳалол, эътиқоди мустаҳкам одамлар ҳаётини тасвирлайди.

Самимийлик ва миллий колорит Собир Ўнар ижод йўлини ёритиб турган сомон йўли эди. Ҳикоялари жонли суратлар силсиласини эслатарди. Адибнинг нозиктаъб қалбига мактуб оҳанги яқин эди. “Кунсулунинг сирли хатлари”⁵ ҳикоясида қуйилиб келган изтиробли оҳанг бошқа барча асарларида яққол сезилади. Сўзлар, тасвирлар замиридаги тиниқлик, беғуборлик адибнинг ижодий кредоси сифатида китобхон эътибори, меҳрини қозонади. Бири-бирдан жозибали, теша тегмаган тасвирларни, ташбеҳларни айтмайсизми?

Ҳикояда танасига яра тошиб шифохонада ётган Жамшидбек ва Гулчеҳра кўз ўнгингизга келади. Гулчеҳра Жамшиднинг отасининг жияни экан. “У аммасининг бўйнидаги шода-шода мунчоқларни ўйнашни яхши кўрар, ҳа деб шуларни тортқилайверарди. Гулчеҳра хониш қилса Ҳалима Носированинг овозига ўхшаб кетарди”. Ҳикояда тасвирлаган гаплар болаларга хос хусусият ва бу яхши айтилган. Кунсулун ва подачи йигит обралари ғоятда самимий тасвирланган. Жамшид билан янгасининг муносабатлари ва умуман ҳикоянинг қурилиши Чингиз Айтматовнинг Жамила асарига ўхшаб кетади. Аммо Собир Ўнарнинг ўз сўзи, ўз услуги ва бўлакча қаҳрамонлари бор. Тўғриси, С.Ўнарнинг адабий ҳаёт жараёни тетапоя бўла бошлаган даврларда Ч.Айтматовга интилиш кучли бўлган. Чунки, “Оқ кема”дай асар яратиш кўпгина ёзувчиларнинг орзуси бўлиб қолди.

Яна бир ҳикояси “Сафура холамнинг эртаги”⁶ ҳикоясини ёзувчи алоҳида меҳр билан ёзган эди. Бошқача руҳ бор бу ҳикояда. Сафура хола қачон ўлишини биларди. Кийиниши, хулқу характери, турмуш тарзи билан ҳақиқий ўзбек аёли эди. Аммо қайсидир жиҳати билан Европа аёлларини эслатарди.

Хориж адабиётшунослари ўзбек адабиёти ўзига хос кенглик борлигини таъкидлашади. Ҳақиқатан ҳам, аксарият асарлардаги воқеалар кенг-мўл маконларда, кишилар орасида содир бўлади. Собир Ўнар асарларида ҳам шундай, уларда Қўшработ қир-адирлари, дала-даштининг ҳавоси бор.

Бу тарихларнинг қанчаси рўй-рост ҳаётдан олинган, қайсилари ёзувчи хаёлотининг маҳсули, билавермасак-да, биладиганлар ҳам анчагина эканига аминмиз.

Шу ўринда адибнинг асарларига эътибор қаратамиз:

“Самоварга ўт ёқиб ўтирган Очил тоға бўлса

– Ана, етим бўлдинглар, шундай оталаринг ўлди, – дерди дам-бадам”⁷. (“Сафура холимнинг эртаги” ҳикоясидан).

⁴ Собир Ўнар. Кунсулунинг сирли хатлари: ҳикоялар.. – Т.: Ғ.Ғулом НМИУ, 2021. – 23-бет.

⁵ Собир Ўнар. Кунсулунинг сирли хатлари: ҳикоялар.. – Т.: Ғафур Ғулом НМИУ, 2021. – 24-бет.

⁶ Собир Ўнар. Кунсулунинг сирли хатлари: ҳикоялар.. – Т.: Ғафур Ғулом НМИУ, 2021. – 171-бет.

⁷ Собир Ўнар. Кунсулунинг сирли хатлари: ҳикоялар.. – Т.: Ғафур Ғулом НМИУ, 2021. – 177-бет.

“Бир куни штабдан қора чодра ёпинган аёлни опчиқишди. Қирғиз аскарлари ва менга буйруқ бўлдики, тоғнинг нариги камарига обориб отиб ташланглар. Аёлнинг тилига тушунмаймиз, бироқ имо-ишораларидан олтига боласи борлиги, бири кўкрак эмадиган чақалоқ эканини англаймиз. Болажон, мусулмон, йиғлаб жавраб боряпти, сен ҳам мусулмон боласидирсан, дейди. Негадир жуда раҳмим келди, онам, опаларим кўз олдимга келди. Саматга нима қиламиз, дедим. Билмасам, деб елка қисди. Кел, дедим, шуни ўлдирмайлик. Лекин бизни қоровулминор тепасидаги навбатчилар дурбинда кузатиб туришади. Ҳийла қилганимизни пайқаб қолишса, ўзимизни отиб ташлашади. Аёлга ўзимизча тушунтирдик: етиб тўхтаганда биз устингдан ошириб ўқ отамиз, сен гуппа ташлаб “ўлиб” қоласан...”

“...Бош қаттиқми, тош қаттиқми”, деб тирашиб яшаб келаман, жўра, деб осмонга қарайди Рашид. Ҳойнаҳой, тепадан не савдолар тушади деб ўйлар...”⁸. (“Рашид жўра” ҳикоясидан).

– Жиян, энди буям бир кўрғилик-да. Қара, Қозоғистон чўлида ўн милёндан зиёд илон ўн километр бўлиб поезд йўл, мошин йўл, ҳаммасини бир ой тўсиб қўйган, ҳаммаси захарли кўлвор илон десанг, уларнинг орқасидан ўн километрлик тошбақа, ўн километрлик юмронқозиқ карвони қўзғолибди десанг. Қозоқ энди қайга боради, а, қайга боради?”⁹. (“Ўзингники ўзингга” ҳикоясидан).

Собир Ўнар асарларда, ўзининг таъбирича, гоҳ-гоҳ “жайдари” шева сўзлари аралашиб қоладиган чин ўзбекча руҳият ва тил балқиб туради.

“Қорли кунларда овоз ҳам алланечук эшитилади”, “Чошгоҳга келиб қуёш тикка бўлавергач, сойдаги музлар сувлар катта шовқин билан оқа бошлади. Кечқурун у яна жимиб қолади. Гуё куни билан қўшиқ айтавериш чарчагандек”, “Печ устидаги чойнак жизиллашга тушди. Бироз ўтгач, иккинчи чойнак ҳам жизиллашга тушди. Иккови қўшилиб чақалоқнинг йиғисига ўхшаш овоз чиқара бошлади”, “Қуёш кўриниш берди. Заминнинг икки қутбини туташтириб камалак ёйи намоён бўлди. Кунсулув анчадан бери бундай манзарани кўрмаган эди. Назарида, камалакнинг бир учи эри мол боқиб юрган яйловга тушгандек...”.

Шу йўсинда ёзилган “Интизор”¹⁰ ҳикоясини бошланишни такрор ўқигингиз келади. Қаҳрамон ўзи истаётган, қўмсаётган кишисини тополмаса, шу тариқа излашда давом этса, излаш изтиробини топиш изтиробидан буюкроқ, ёқимлироқ-ку, дейсиз. Собир Ўнар эса топади.

“Камина Қўшработ туманининг Қувкалла деган қишлоғида туғилган” деб ёзган Собир Ўнар. “Отамзамон хангомалари”, “Боболарим” туркумига мансуб бадиаларни ўқинг, Қувкаллага боргандек бўлиб қоласиз. Ёзувчи умри, ҳаёти ўша олис ва чекка қишлоқда ўтган, ўтаётган ҳамқишлоқини бир-биридан содда, жайдари ва муҳими, тоғ жилваси сувидек беғубор зотларни бамиосли пирни улуғлагандек улуғлайди. Уларнинг ҳар бири билан суҳбат қургингиз, гурунглашгингиз келади. Тўлиб-тошиб ҳикоя қилар экан, бири биридан тотли хотиралар айқашиб кетади, шунда “Булар буткул бошқа хангомалар. Мавриди билан бошқа сафар гурунг қиламиз” деб ният қилади.

Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон ҳақли эътироф этади:

“...Собирнинг ижоди ўзбек адабиётида алоҳида саҳифа эгаллаганига анча бўлди. Унинг ҳикоя ва қиссалари фақат ўзбек китобхонига эмас, туркий адабиёт оламига ҳам маълум

⁸ Собир Ўнар. Кунсулувнинг сирли хатлари: ҳикоялар.. – Т.: Ғафур Ғулом НМИУ, 2021. – 313-314-бетлар.

⁹ Собир Ўнар. Кунсулувнинг сирли хатлари: ҳикоялар.. – Т.: Ғафур Ғулом НМИУ, 2021. – 299-бет.

¹⁰ Собир Ўнар. Кунсулувнинг сирли хатлари: ҳикоялар.. – Т.: Ғафур Ғулом НМИУ, 2021. – 119-бет.

ва манзур, десам адашмайман. Мен унинг ҳар бир асарини шавқ билан ўқийман. Собирнинг ҳикояларида кечган воқеалар, қаҳрамонлари болалигимни ёдимга солади. Шаҳарга яқин қишлоқда туғилганим учунми, болаликда шаҳардан биров олисдаги ота уруғим яшайдиган қишлоқларга бориб, ҳафталаб турганимда бутунлай бошқа дунёга тушгандай бўлардим. Собирнинг ҳикоялари ўша дунёдан келгандай...»¹¹.



¹¹ «Собир Ўнар замондошлар хотирасида» . “Sahhof” нашриёти, Т., 2024. – Б.20.